# ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ДАРОМАДЛАРИ ВА МОЛ-МУЛКИ ДЕКЛАРАЦИЯ ҚИЛИНАДИ

**Манба:** “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони

@huquqiyaxborot

## 2022 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН:



- Давлат хизматчилари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар, давлат корхоналари ва муассасалари раҳбарлари ва ўринбосарлари, уларнинг турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандларининг даромадлари ва мол-мулкини **мажбурий декларация қилиш тизими** жорий этилади
- **Декларацияни беришдан бош тортиш** ва қасддан нотўғри маълумотларни киритиш уни давлат хизматидан четлаштиришга ва жавобгарликка сабаб бўлади

## 2022 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН:

- Давлат хизматчиларига **хорижда банк ҳисобрақамларини очиш,** нақд пул маблағларини сақлаш ва бошқа мол-мулкка эга бўлиш тақиқланади
- Мансабдорнинг ўз шахсий манфаати мажбуриятларини объектив ва холис бажаришига таъсир кўрсатувчи ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган вазиятлар **манфаатлар тўқнашуви** ҳисобланади
- Манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш ва олдини олиш бўйича чора кўрмаганлик **жавобгарликни келтириб чиқаради**

## Қуйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳалари ишлаб чиқилади:

- **Жиноят кодексида** коррупцияга оид жиноятлар тоифасига кирувчи моддаларнинг аниқ рўйхатини белгилаш
- **Коррупциявий жиноятларга жазони** узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо чорасигача **кескин кучайтириш**
- даромадлар ва мол-мулкни декларациялашда аниқланган **ноқонуний бойлик орттирганлик учун** жавобгарлик ўрнатиш
- коррупциявий жиноятлар содир этганларга **енгиллаштирувчи нормалар қўлланилишига чекловлар белгилаш**
- “Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш тўғрисида”ги
- “Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш тўғрисида”ги.

# КОРРУПЦИЯГА ОИД ЖИНОЯТЛАРНИ СОДИР ЭТИШДА АЙБДОР ДЕБ ТОПИЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ОЧИҚ ЭЛЕКТРОН РЕЕСТРИ ЮРИТИЛАДИ






**“Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очиқ электрон реестри”** юритилади

Реестрга киритилган шахсларга қуйидагилар тақиқланади:

- **давлат хизматига қабул қилиниши** ва давлат мукофотлари билан тақдирланиши
- давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар ҳамда **давлат таълим муассасаларида раҳбарлик лавозимларида фаолият юритиши**
- **сайланадиган ва алоҳида тартибда тайинланадиган** лавозимларга номзодларининг кўрсатилиши
- давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари ҳамда **идоралараро коллегиал органларнинг аъзолигига киритилиши**
- уларнинг тадбиркорлиги давлат харидларида ва **давлат-хусусий шериклик битимида иштирокчи (ижрочи) сифатида қатнашиши**

**Манба:** “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони

@huquqiyaxborot